

ҲАЙКАЛТОРОШЛИК САНЬЯТИ.



Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг илмий ходими

З.Комилова

Ҳайкалтарошлик- бу тасвирий санъат турларидан бири бўлиб, борлиқни ҳажмли шаклда тасвирлаш санъатидир. Тасвирлар асосан инсон,хайвон, табиат манзараларидаи иборат бўлади. Бу санъат тури ҳайкалтарошлик бажарилган ишларига қараб бир неча турга бўлинади. Жумладан: монументал ҳайкалтарошлик, безак ҳайкалтарошлиги, дастгоҳ ҳайкалтарошлиги. Меъморлик санъати билан боғлиқ бўлган монументал ҳайкалтарошликка муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини агадийлаштириш мақсадида ўрнатилган ва ишланган монумент, ёдгорликлар, ҳайкалтарошлик ансамбиллари киради, улар ўзида катта мазмунни ифода этади. Монументал ҳайкалтарошликка бўлган ҳислатлардан бири қоҳрамонларни кўтаринки рухда тасвирлашдир. Бундай ҳайкаллар узокдан кўришга мўнжалланганлиги боис, катта кўринишдаги шакллардан кенг қўлланилади. Безакли ҳиссобланиб келган ҳайкалтарошликга истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, кўчалар, шунингдек меъморий биноларнинг деворларини безаш учун ишлатилган турли безак ҳайкаллари киради. Асарларда рамзий образлар, ҳайвонлар шакли кенг ишлатилади. Биноларнинг деворларига ишланган бўртма тасвирлар ва амалий санъатнинг турли хилдаги буюмлари юзасига ишланган турли безаклар, фарвора, панжара, бадиий дарвозалар шуларнинг жумласига киради. Дастгоҳ ҳайкалтаролигига мустақил мазмунга эга бўлган, санъатнинг бошқа турларига тобе бўлмаган асарлар киради. Улар кўргазмалар, музей залларига ва уйларнинг интерьерига қўйишга мўнжал этиб ишланади. Бу турдаги асарларда воқеалийлик ўзининг бутун борлиги билан инсоннинг руҳий кечинмалари ҳалатини акс эттириб беради. Дастгоҳ ҳайкалтарошлиги



асарлари яъни бюст инсоннинг белигача бўлган кўринишидир.Бундай ҳайкаллар бадиий санъат турига яқин туради.Юқорида қўсатиб ўтилган ҳайкалтарошлиқ асарларини ясашда асосан махсус лойдан ишланади.Шакл бўяма нақш ёки рангли сир билан қопланади ва махсус печлар ёрдамида қуритиш ишларини олиб борилади.Тайёр ҳайкални таглик яъни постамедларга ўрнатилади. Шу ўринда узок ўтмишга назар солсак. Ҳайкалтарошлиқ қадимдан –ибтидоий жамиятда инсоннинг меҳнат фаолияти ва диний тушунчаларидан пайдо бўлган ва асрлар оша шаклланиб боради.Ҳайкалтарошлиқка хос бўлган услугуб яъни йўниш,ишлов бериш, юмшоқ лойдан шакллар ясаш билан кечинма ва ҳиссиётларини тасвирлай бошлаган.Ҳайvonларнинг юмалоқ,гор ёки бўлмаса тош юзасига ишланган бўртма ҳайкаллари ибтидоий кишилар қарашини ифода этган.Бўртма тасвирлар юмшоқ тош,суяқ ва ёғочларнинг юзасига ишланган.Шунга яраша меҳнат қуроллари ҳам турлича бўлган.Дастлаб ҳайкалтарошлиқ ишларида меҳнат қуролларидан ҳам фойдаланишган.Олтин ва бошқа қимматбаҳо материаллардан бўртма тасвирли амалий санъат буюмлари,лоидан ҳайкалчалар ясашда скифлар маданияти даврида ривожланишлар бўлган.Тарихий манбааларга кўра қулдорлик тузуми даврида ҳайкалтарошлиқда бошқа давларга қараганда янгича ёндошиш бўлди.Бу вақтда ҳайкалтарошлиқнинг усуллари ва ишлов бериш техникасининг янгилиги юзага келади. Илк бор маҳобатли ҳайкаллар, дастгоҳ портретлари,ҳаракатга тўла бўртма тасвирлар яратила бошлади.Шумер ва Аккал,Бобил ва Оссурия ёдгорликлари, Мисрдаги маҳобатли ҳайкаллар,нафис бўртма тасвирлар уша даврнинг ёдгорликларидан ҳиссобланади.Ўрта Шарқ, жумладан Ўзбекистон худудида яратилган Хоразм,Суғд,Бақтерия ёдгорликлари,Тупроқкальъа,Варахша,Афросиёб,Холҷаён,Далварзинтепа,Куванинг маҳобатли ҳайкал ва бўртма тасвирлари,майда ҳайкалчалар,амалий санъат буюмларини безашда ишлатилган турли бадиий шакллар даврнинг бой маданиятининг далолати ҳиссобланади. Ҳайкалтарошлиқда Антик давр Рим ҳайкалтарошлиғи мухим ўрин




тутади. Римда илк бор отлик қўмондон ҳайкали ишланади, бўртма тасвирида ҳам ҳайкалторошликтининг катта ютуғига эришилади. Ўрта аср даврида Шарқ мамлакатларида ҳайкалтарошлиқ амалий безак санъатининг ҳайкалтарошлиқ билан чатишиб кетган тош ўймакорлиги, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик, кандикорлик асарларида ўзининг ифодасини топади. Европа мамлакатларида христиан дини ҳайкалтарошликтининг ривожланишига асосий куч бўлди. Сборлар қошида ҳайкалтарошлиқ устахоналари ташкил этилди. Бу устахоналарда бўлажак ҳайкалтарошларни таёrlанди. Ибодатхоналар учун думалоқ шаклдаги ҳайкал ва рельефлар яратилди. Улар асосан диний ғояларни тарғиб этишга мўнжалланганди. 19-асрнинг ўрталарида келиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳайкалтарошлиқда анчагина жонланиш пайдо бўлади. Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳайкалтарошлиқ асарлари яратила бошлади. Фарфораларга турли ҳайкалтарошлиқ наъмуналари ўрнатилди. Кўплаб тарихий ахамиятга эга бўлган шаҳарларимизни ҳайкалтарошлиқ ишлари безатиб тура бошлаганди. Жумладан Бухородаги Ситораи Моҳи Ҳосадаги мармардан ишланган шер ҳайкаллари, ислими, гриҳ нақшлар, чиройли ёзувлар, тош ва мармардан ишланган Хива ҳайкалтарошлиқ наъмуналари жуда машҳур ҳиссобланади. Ўзбек ҳалқи кўп асрлар давомида кўплаб санъат турлари қаторида ҳайкалтарошлиқ санъати билан ҳам машҳур бўлиб келган. Турли ҳайкалтарошлиқ усуллари наслдан-наслга меърос бўлиб келмоқда ва ўзида бир қатор тарихий қатламни мужассам этган. Тарихий манбааларга кўра 2-3-асрларда дастлабки сопол ҳайкалчалар ясаш санъати кенг тараққий этганлиги баён этилган. Маъбудларнинг ма-ҳаллий этник белгилари бўлган анъанавий бўлиб келган қиёфалар яратилган. Монументал ҳайкалтарошлиқ- ҳайкалтарошликтининг меъморлик ва шаҳарсозлик билан боғлиқ тури бўлиб, ўз кўринишига кўра мукаммал ва реөьеф каби турларига бўлинган. Монументал ҳайкалтарошлиқ асарлари ўзида катта мазмун ифода этади ва ижтимоий ҳусусият касб этади. Бундай ҳайкалларни асосан узоқдан томоша қилишга мўнжал этилган. Бундай ҳайкалларни асосан





майдонларга,истироҳат боғларига,ҳиёбонларга,кўчаларга ўрнатилади.Бу тур ижтимоий тараққиёт билан ўзлуксиз боғланган ҳолда ривожланиб борган.Қадимги Мисрда,Ғарбий Осиё,Ҳиндистон,Хитой ва бошқа шарқ мамлакатларида муҳим ўрин олган.Юнонистон ва Римда унинг энг нодир наъмулалари сақланиб келинмоқда.Шунингдек террикоталар ҳам узақ тарихга эга,қадимий ёдгорликларнинг наъмуналари дидир.Террикоталар- тор маънода лойдан ишланган хумдонда пиширилган сирланмаган ва ранг берилмаган майда ҳайкалчалардир.Улар асосан маҳсус лойдан таёrlаниб хумдонларда қиздирилган буюм ва ҳайкалчаларни ташкил этади. Қиздирилган лой буюм қизғиши тус олади.Террикота неолит даврида пайдо бўлган.Майда ҳайкалтарошлиқ асарлари,ҳайкаллар шакиллари,саркофалар,Юнонистон,ҚадимгиХитой,Ҳиндистон,Америка ҳайкаллари,меъморий қисмлар,Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар меъморлиги ўйма террикота безаклари,Италияning рельефли меъморий қисмлари,Ўйғониш даври портрет бюстлари ва бошқа бадиий террикотанинг муҳим ёдгорликлари ҳиссобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳайкалтарошлиқнинг келгуси авлодга етказиш, ота-боболаримиздан қолган ҳунарларни давом эттириш каби масалаларга ўзгача дикқат эътиборни қаратди.Жумладан қадимий ҳайкалтарошлиқ ва унинг янги қирраларини очиш борасида мутаҳасислар иш режаларини ишлаб чиқдилар.Ёшларга ҳайкалтарошлиқ сирларини ўргатиш учун устоз-шогирд анъаналарини йўлга қўйилди.Жумладан юртимиздаги Комолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ҳайкалтарошлиқ бўлимида бўлажак ҳайкалтарошлар билимларига эътибор кучайтирилди.Институтга асос солинган кундан бошлаб кўплаб иқтидорли ҳайкалтарошлар бу доргоҳда таёrlанди.Шундай ёшлардан мамлакатимиздаги пластик санъат вакиллари қаторига Жасвант Анназаров ва Нормурод Негматов каби ёшларни келиши соҳада туб бурилиш ясади.Ж.Анназаров 1987 йилда Хоразмнинг Урганч шаҳрида таваллуд топди. У 6 сифдан бошлаб Урганч тасвирий санъат литцейи



тингловчиси бўлди.2004 йилда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳайкалтарошлиқ бўлимига кирди.2010 йили ўқишини якунлаб,Ўзбекистон Бадиий Академияси Рассомлар уюшмаси ёшлар шубаси аъзоси бўлади.Унинг бу ҳайкалтарошлиқда эришган ютуқларига унинг отаси рассом Б.Анназаров ва устозлари Р.Миртоҷиев ва С.Қодировларнинг ҳизматлари каттадир.2001 йилдан республикамизнинг ҳайкалтарошлиқ танловлари иштирокчиси.2003 йилги “Чегаралар” кўрик танлови ғолиби бўлган.Бу ёш ижодкор классик асарлар муаллифи ҳисобланади.Шунингдек ҳайкалтарошлиқда турли мавзуларда ҳайкаллар ишлаб келмоыда. Жумладан унинг “Уятчан”,“Келин”, “Нил қирғоғида” каби ҳайкалтарошлиқ асарлари диққатга сазовордир.Яна бир ёш истидодлик ҳайкалтарошимиз Нормурод Негматов 1988 йилда ёғоч ўймакор уста оиласида таваллуд топади.2008 йилда акаси Негматов Озод билан биринчи кўргазмасини ўтказади. 2010 йилда Беҳзод Миллий рассомчилик институтига киради.Унинг устозлари ҳайкалтарошлар Азамат Хотамов ва Баҳодир Жололовлар ҳисобланади.2012 йилда Тошкентдаги Қатағон курбонлари музейида унинг “Тарих акс садоси” номли кўргазмаси бўлиб ўтади.Кўргазмада ҳайкалтарошининг 9 та ҳайкалтарошлиқ асарлари номоиш этилиб, тахсинга сазовор бўлади.Айниқса улар ичидаги Ҳақиқат кўзи” ва “Тарихдан келажакка сабо” ҳайкаллари узига хос усуслари билан ажралиб турибди.Куёвқўрғон топилмаларидан “Аёл ва эркак “ ҳайкалчаси- Куёвқўрғон илк ўрта асрларга оид бўлиб, ёдгорлик Термиздан 26 км шимолда Ангор туманида,Зартекан 300 мт шарқда жойлашган.Куёвқўрғонни 1977 йил Бақтрия архиологияси томонидан ўрганилган.Топилмалар орасида лой-ганчдан ишланган монументал ҳайкаллар ҳам бор. Ҳайкалларда оқсуяк аёл ва эркакнинг образи акс этган. Ҳайкалларда Кушон даври ҳайкалтарошлиги усуслари кўриниб туради.Бу ҳайкаллар кўргоннинг 2 қаватидан ўрин олган бўлиб, 4 девор рангли суратлар билан безатилган.Куёвқўрғон ҳайкаллари Ўрта Осиёдаги илк асрлар даврига оид ҳайкалтарошлиқ наъмунасидир.Дарҳақиқат



ҳайкалтарошлиқ тарихига назар ташласак дунё бўйича кўплаб қизиқарли маълумотлар олишимиз муикин. Жумладан Бактерияда – Далварзинтепа, эрадан аввалги 1-2-аср, Суғдда – Октепа-2, эранинг 1-2 асрарига оид ҳайкалтарошлиқ наъмуналари мавжуд. Бу ҳайкаллар ўзига ҳос образларда гавдаланган. Масалан Хоразм террикотасида калласи катта, юзи япаски ялонғоч аёл илоҳа тасвирланган. У сочини ўриб, кокил қилиб туширган. Бўйнида уч қатор мўнчоқ шодаси осилган. Суғд ва Бактерия терракоталаридағи аёл илоҳа либос кийган. Улардан бирининг боши катта, юзи яssiучбурчак, калта бўйнига мунчоқ шодаси тақсан, енгиз узун либос кийган бўлса, бошқасининг куйлаги кўкраги остидан белбоғ боғланган. Куйлакнинг пастки қисми елпифиҳимон бурамали. Уҳам бўйнига мунчоқ тақсан, боши эса гавдасига мутаносиб, юзи эса чўзинчоқ кўринишида. Барча террикоталар хусусан қўлсиз, ялонғоч, оёғига билакузукка ўхшаган тақинчоқ тақсан. Суғд худудидан топилган ва улар эрадан аввалги биринчи минг йиллик-эранинг 3 асрига оидdir. Бундай қадимий ҳайкалчаларнинг афсуски бош қисми сақланиб қолмаган. Тахминан эрамизнинг 2 асридан Ўрта Осиёда ўлтирган ҳолатдаги аёл илоҳа ҳайкалчаси оммалашиб борган эди. Бундай ҳайкаллар эрадан аввалги 6 асрга мансуб Малазия ёдгорликлари яъни Чатал, Хююқ, Хажиларда мавжуд. Ўрта Осиё худудида либосиз ёки танасининг ярмини мато бўлаги билан ўраган аёл ҳайкалчаси Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа-2 ва Суғд худудларидан топилган. Шимолий Бактерияда либос кийган, ўлтирган ҳолдаги аёл илоҳи образидаги ҳайкаллар кенг тарқалган эди. Жумладан: Айритом, эски Термиз, Шўртепа, Зартепа, Кампиртепа, Далварзинтепа, Поёнқўрғон каби манзиллардан 3 асрларга оид бўлган ҳайкалтарошлиқ наъмуналари топилган. Ўзбек халқи кўп асрлар давомида кўплаб санъат турлари қаторида ҳайкалтарошлиқ санъати билан ҳам машхур бўлиб келган. Турли ҳайкалтарошлиқ усуллари наслдан-наслга меърос бўлиб келмоқда ва ўзида бир қатор тарихий қатламни мужассам этган. Тарихий манбааларга кўра 2-3-асрларда дастлабки сопол ҳайкалчалар ясаш санъати кенг тараққий этганлиги баён этилган. Маъбулларнинг



маҳаллий этник белгилари бўлган анъанавий қиёфалар яратилган. Монументал ҳайкалтарошлик- ҳайкалтарошликнинг меъморлик ва шаҳарсозлик билан боғлиқ тури бўлиб, ўз кўринишига кўра мукаммал ва реоеф каби турларига бўлинган. Монументал ҳайкалтарошлик асарлари ўзида катта мазмун ифода этади ва ижтимоий ҳусусият касб этади. Бундай ҳайкалларни асосан узоқдан томоша қилишга мўнжал этилган. Бундай ҳайкалларни асосан майдонларга, истироҳат боғларига, ҳиёбонларга, кўчаларга ўрнатилади. Бу тур ижтимоий тараққиёт билан ўзлуксиз боғланган ҳолда ривожланиб борган. Қадимги Мисрда, Ғарбий Осиё, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа шарқ мамлакатларида муҳим ўрин олган. Юнонистон ва Римда унинг энг нодир наъмулалари сақланиб келинмоқда. Қадимий санъат турларидан хиссобланган ҳайкалтарошлик Ўзбекистон ҳудудида кўп асрдар олдин пайдо бўлган. Уўз тараққиёти жараёнида бир неча босқичлардан ўтиб келган. Миллий пластика пайдо бўлган 20 аср кенг қамровли тараққиётга эришган. Дарҳақиқат ҳайкалтарошлик тарихига назар ташласак дунё бўйича кўплаб қизиқарли маълумотлар олишимиз муикин. Жумладан Бактерияда – Далварзинтепа, эрадан аввалги 1-2-аср, Суғдда – Оқтепа-2, эранинг 1-2 асрарига оид ҳайкалтарошлик наъмуналари мавжуд. Бу ҳайкаллар ўзига ҳос образларда гавдаланганд. Масалан Хоразм террикотасида калласи катта, юзи япаски ялонғоч аёл илоҳа тасвирланган. У сочини ўриб, кокил қилиб туширган. Бўйнида уч қатор мўнчоқ шодаси осилган. Суғд ва Бактерия терракоталаридағи аёл илоҳа либос кийган. Улардан бирининг боши катта, юзи яssiучбурчак, калта бўйнига мунчоқ шодаси таққан, енгизиз узун либос кийган бўлса, бошқасининг куйлаги кўкраги остидан белбоғ боғланган. Куйлакнинг пастки қисми елпиғиҳимон бурамали. Уҳам бўйнига мунчоқ таққан, боши эса гавдасига мутаносиб, юзи эса чўзинчоқ кўринишда. Барча терракоталар ҳусусан қўлсиз, ялонғоч, оёғига билакузукка ўхшаган тақинчоқ таққан. Суғд ҳудудидан топилган ва улар эрадан аввалги биринчи минг йиллик-эранинг 3 асрига оиддир. Бундай қадимий ҳайкалчаларнинг



афсуски бош қисми сақланиб қолмаган. Тахминан эрамизнинг 2 асридан Ўрта Осиёда ўлтирган ҳолатдаги аёл илоҳа ҳайкалчаси оммалашиб борган эди. Юқорида такидланган дунё ҳайкалтарошлиги наъмуналари асрлар давомида илмий жиҳатдан ўрганиб борилган ёдгорликлардир. Қадимги муаррих ва ўрта аср алломалари дунё ҳалқларининг тарихи ва маданий ёдгорликларини ўрганиш юзасидан олиб борган илмий тадқтқотлари асосида инсон тафаккурининг ўзан томоили бўлган тарихий хотира маданияти вужудга келган. Шуни такидлаш керакки антик ва ўрта аср тарихчи-сайёҳлар ёзиб қолдирган йилнома ва саёҳатномалар келажак авлод учун моддий ва манавий ҳабарнома бўлиб ҳизмат этади. Шу жумладан эрамиздан аввалги давр ҳайкалтарошлиги токи ҳозиргacha бўлган давр ҳайкалтарошлиги орасида фарқлар бўлса ҳам, аср илк тамал тошини қадимий ҳайкалтарошлик асослари ўрнатиб кетган.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Д.Пўлатов Ўзбекистон замонавий маҳобатли
ҳайкалтарошлиги. Тошкент 2008 йил.

2." Санъат" Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 2013-2014-йил сонлари.

3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси- 1-12-китоблари. Тошкент - 2005 йил, Давлат илмий нашриёти.

